

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил [REDACTED] куни жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси А.Бойбиловнинг раислигида, судья ёрдамчи Т.Ҳожиёвнинг котиблигида, тарафлардан Термиз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Чориев, судланувчилар О.Қ, А.А ва уларнинг ҳимоячиси “Сурхон ҳақиқат маскани” адвокатлар ҳайъати адвокати С.Турдиев, фуқаровий даъвогар вакили И.Эларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда [REDACTED] нисбатан бўлган 1-1901-2202/[REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

[REDACTED] туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, [REDACTED] нафар фарзанди бор, маъмулоти [REDACTED], [REDACTED] ишлайди, муқаддам судланмаган, [REDACTED] уйда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

[REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, [REDACTED] нафар фарзанди бор, маъмулоти [REDACTED], [REDACTED] ишлаган, муқаддам судланмаган, [REDACTED] маҳалласида яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Тергов органи томонидан [REDACTED] 2015 йил 1 февраль кунидан буён Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказлашган бухгалтерия хизмати иш ҳақи ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, ўзига бириктирилган шаҳар тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 1, 2, 3, 4, 5-сонли оилавий поликлиникаларида ишловчи ходимларга иш ҳақи ва унга



тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш вазифаларини амалга ошириш жараёнида Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2021 йил 1 январь кунидан 2022 йил 1-апрель кунига қадар бўлган даврда 1-сонли оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори [REDACTED] 2021 йил май ойида 4.112.684 сўм иш ҳақи ҳамда 3.484.958 сўм қайта қўшимча ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиниб жами 7.597.642 сўм ҳисобланиб тўлаб берилганлиги натижасида 3.484.958 сўм ортиқча ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 418.194 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 3.066.764 сўм, 2-сонли оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори [REDACTED] 2021 йил июль ойида 4.156.787 сўм иш ҳақи ҳамда 1.918.518 сўм қайта қўшимча ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиниб жами 6.075.305 сўм ҳисобланиб тўлаб берилганлиги натижасида 1.918.518 сўм ортиқча ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 230.222 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 1.688.296 сўм, 3-сонли оилавий поликлиника ҳамшираси [REDACTED] 2021 йил феврал ойида 1.380.138 сўм иш ҳақи ҳамда 1.140.114 сўм қайта қўшимча ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиниб жами 2.520.252 сўм ҳисобланиб тўлаб берилганлиги натижасида 777.166 сўм ортиқча ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 101.031 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 676.135 сўм, 3-сонли оилавий поликлиника ҳамшираси [REDACTED] 2022 йил февраль ойида 1.140.114 сўм қайта қўшимча ҳисоб-китоб (перерасчёт) ҳисобланиб тўлаб берилган бўлиб, аслида 702.542 сўм тўланиши керак бўлсада, ҳисоб-китобдаги хатоликлар натижасида 437.572 сўм ортиқча ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 56.884 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 380.688 сўм, 4-сонли оилавий поликлиника ҳамшираси [REDACTED] 2021 йил сентябр ойида 110.000 сўм қайта қўшимча ҳисоб-китоб (перерасчёт) ҳисобланиб тўлаб берилганлиги натижасида 110.000 сўм ортиқча ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 14.300 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 95.700 сўм, 4-сонли оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори [REDACTED] 2022 йил март ойида 24 иш кунига 3.556.301 сўм иш ҳақи ҳамда 9 кунга 1.077.199 сўм касаллик варақаси ҳисоб-китоб қилиниб жами 4.633.500 сўм ҳисобланиб тўлаб берилганлиги натижасида 7 иш кунига 1.037.253 сўм ортиқча ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 134.842 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 902.411 сўм, 5-сонли оилавий поликлиника хўжалик бекаси [REDACTED] 2021 йил октябрь ойида 1.659.495 сўм иш ҳақи ҳамда 240.000 сўм қайта қўшимча ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиниб жами 1.899.495 сўм ҳисобланиб тўлаб берилганлиги натижасида 240.000 сўм ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 31.200 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 208.800 сўм, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 январда 2649-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Тиббиёт ва фармацевтика



ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини териш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-боб 37-бандида сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда унинг амал қилиши тугатилади деб кўрсатилган бўлсада, Термиз шаҳар Тиббиёт бирлашмасига 2-сон оилавий поликлиникаси умумий амалиёт ҳамшираси [REDACTED] Термиз шаҳар Тиббёт бирлашмасининг 2016 йил 17 августдаги 142-Т-сонли буйруғига асосан 10.08.2016 йилда олий тоифасини олган бўлиб, мазкур тоифа муддати 10.08.2021 йилда тугаган бўлишига қарамасдан 2021 йил август ойида 401.941 сўм ортиқча малака тоифаси ҳисобланиб, шундан 52.252 сўми бюджетга мажбурий ушланмалар учун ўтказилган, қолган 349.689 сўм, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 18.12.2014 йилдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 январда 2649-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини териш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-боб 37-бандида “сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда унинг амал қилиши тугатилади” деб кўрсатилган бўлсада, Термиз шаҳар Тиббиёт бирлашмасига 1-сон оилавий поликлиникаси умумий амалиёт ҳамшираси [REDACTED]

[REDACTED] Термиз шаҳар Тиббёт бирлашмасининг 2016 йил 17 августдаги 142-Т-сонли буйруғига асосан 10.08.2016 йилда олий тоифасини олган бўлиб, мазкур тоифа муддати 10.08.2021 йилда тугаган бўлишига қарамасдан 2021 йил август ва сентябр ойларида 817.680 сўм ортиқча малака тоифаси ҳисобланиб, шундан 106.298 сўми бюджетга мажбурий ушланмалар учун ўтказилган, қолган 711.382 сўм, жами 9 та ҳолатда 9.225.088 сўмлик кўп бўлмаган миқдордаги бюджет маблағларини ходимларга ортиқча ҳисоблаб, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар сифатида тўлаб бериб, ўзига ишониб топширилган ва ўзининг ихтиёрида бўлган бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан қасддан талон-торож қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда ярашганлик муносабати билан жиноят ишини судга юбориш ҳақидаги қарор билан судга берилган.

Тергов органи томонидан [REDACTED] 2018 йил январь ойдан буён Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказлашган бухгалтерия хизмати иш ҳақи ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, ўзига бириктирилган шаҳар тиббиёт бирлашмаси тасарруфида бўлган болалар юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда силга қарши диспансерда ишловчи ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш вазифаларини амалга ошириш жараёнида Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2021 йил 1 январь кунидан 2022 йил 1 апрель кунига қадар бўлган даврда болалар юқумли касалликлар шифохонаси врачлари [REDACTED] 2021 йил январ ойи иш ҳақиси



учун унга қўшимча равишда 120.000 сўм қайта ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиб ортиқча иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 15.600 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 104.400 сўм, шифохона врачлари [REDACTED] [REDACTED] 2021 йил июль ойи иш ҳақиси учун унга қўшимча равишда 784.119 сўм қайта ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиб ортиқча иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 101.935 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 682.184 сўм, шифохона ҳамшираси [REDACTED] 2021 йил июл ойи иш ҳақиси учун унга қўшимча равишда 798.502 сўм қайта ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиб ортиқча иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 103.805 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 694.697 сўм, шифохона хўжалик бекаси [REDACTED] 2022 йил феврал ойи иш ҳақиси учун 2.473.848 сўм ва унга қўшимча равишда 700.000 сўм қайта ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиб жами 3.173.848 сўм тулаб берилганлиги натижасида 700.000 сўм ортиқча иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 91.000 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 609.000 сўм, шифохона ҳамшираси [REDACTED] 2021 йил декабрь ойида 1.666.517 сўм ва 2022 йил январ ойида 580.000 сўм жами 2.246.517 сўм иш ҳақи табельсиз тўлаб берилганлиги натижасида 2.246.517 сўм ортиқча иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 292.047 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 1.954.470 сўм, бирлашмага қарашли Сил касалликлар диспансери кабулхона тиббий оғаси [REDACTED] 2022 йил феврал ойида малака ошириш курсида бўлган даврида 2.629.434 сўм ҳисоблаб тўланган бўлиб, аслида зарарли шароитда ишлаганлиги учун 50 фоиз устамасиз 2.042.195 тўланиши лозим бўлиб, 587.239 сўм орикча устама ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 76.341 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 510.898 сўм, диспансер катта ҳамшираси [REDACTED] 2022 йил февраль ойида малака ошириш курсида бўлган даврида 3.500.733 сўм ҳисоблаб туланган бўлиб, аслида зарарли шароитда ишлаганлиги учун 50 фоиз устама 2.891.605 тўланиши лозим бўлиб, 609.128 сўм орикча устама ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 79.187 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 529.941 сўм, диспансер ҳамшираси Рамазанова Мохирага 2022 йил март ойида малака ошириш курсида бўлган даврида 2.892.247 сўм ҳисоблаб тўланган бўлиб, аслида зарарли шароитда ишлаганлиги учун 50 фоиз устамасиз 2.422.354 тўланиши лозим бўлиб, 469.893 сўм ортиқча устама ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 61.086 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 408.807 сўм, диспансер тиббий оғаси [REDACTED] 2022 йил январ ойи иш ҳақиси учун унга қўшимча равишда 876.478 сўм қайта ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиб ортиқча иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 113.942 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 762.536 сўм, диспансер тиббий оғаси [REDACTED] [REDACTED] 2022 йил январь ойи иш ҳақиси учун унга қўшимча равишда 797.073 сўм қайта ҳисоб-китоб (перерасчёт) қилиб ортиқча иш ҳақи ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 103.619 сўм ушлаб қолиниб,



ходимга 693.454 сўм, болалар юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси [REDACTED] 2021 йил октябрь ойдан хомиладорлик нафақасига чиққан бўлиб, ходимга 2022 йил февраль ойида 609.000 сўм аванс ортиқча ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 79.170 сўм ушлаб қолиниб, ходимга 529.830 сўм, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 январда 2649-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини териш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-боб 37-бандида сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда унинг амал қилиши тугатилади деб кўрсатилган бўлсада, Термиз шаҳар Тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлими катта ҳамшираси [REDACTED] вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2016 йил 10 августдаги 178-Т-сонли буйруғига асосан 10.08.2016 йилда олий тоифасини олган бўлиб, мазкур тоифа муддати 10.08.2021 йилда тугаган бўлишига қарамасдан 2021 йил август ойида 676.735 сўм ортиқча малака тоифаси ҳисобланиб, шундан 87.975 сўми бюджетга мажбурий ушланмалар учун ўтказилиб, қолган 588.760 сўми ходимга тўлаб бериб, жами 12 та ҳолатда 9.274.684 сўмлик кўп бўлмаган миқдордаги бюджет маблағларини ходимларга ортиқча ҳисоблаб, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар сифатида тўлаб бериб, ўзига ишониб топширилган ва ўзининг ихтиёрида бўлган бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан қасддан талон-торож қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда ярашганлик муносабати билан жиноят ишини судга юбориш ҳақидаги қарор билан судга берилган.

Жиноят иши юзасидан фуқаровий даъвогар деб топилган Термиз шаҳар Молия бўлими бош иқтисодчиси мудир [REDACTED] дастлабки тергов вақтида Термиз шаҳар прокурори номига ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи О.К ва А.Алар ўз айбларига иқдор ва пушаймон бўлиб, етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, улар билан ярашганлигини билдириб, уларга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраган.

Гумон қилинувчи О.К дастлабки терговда иш фаолияти бўйича ўтказилган текширишда аниқланган камомадни тўлиқ қоплаб берилганлигини, қилмишига иқдор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, фуқаровий даъвогар билан ярашганлигини билдириб, жиноят ишининг ўзига оид қисмини ярашув асосида тугатишни сўраган.

Гумон қилинувчи А.А дастлабки терговда иш фаолияти бўйича ўтказилган текширишда аниқланган камомадни тўлиқ қоплаб берилганлигини, қилмишига иқдор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги,



фуқаровий даъвогар билан ярашганлигини билдириб, жиноят ишининг ўзига оид қисмини ярашув асосида тугатишни сўраган.

Фуқаровий даъвогар вакили И.Э суд мажлисида, тергов органига берган аризасини қувватлаб, Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳисобчилари О.К ва А.Алар томонидан содир этилган жиноят натижасида давлатга етказилган жами 18.499.772 сўм моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, уларга нисбатан даъволари йўқлиги, улар билан ярашганлигини ҳақидаги кўрсатув бериб, уларга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судланувчи О.К суд мажлисида, 2021 йил 1 апрелдан 2022 йил 1 апрелгача бўлган иш фаолияти бўйича ўтказилган текширишда аниқланган камомадни тўлиқ қоплаб берилганлигини, қилмишига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, фуқаровий даъвогар билан ярашганлигини, муқаддам судланмаганлигини инobatга олиб, жиноят ишининг ўзига оид қисмини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судланувчи А.А суд мажлисида, 2021 йил 1 январдан 2021 йил 1 апрелгача бўлган иш фаолияти бўйича ўтказилган текширишда аниқланган камомадни тўлиқ қоплаб берилганлигини, қилмишига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, фуқаровий даъвогар билан ярашганлигини, муқаддам судланмаганлигини инobatга олиб, жиноят ишининг ўзига оид қисмини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, мазкур Кодекс 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

ЖПКнинг 84-моддасининг 4-бандида, Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, фуқаровий даъвогар, судланувчи, ҳимоячи ва прокурорнинг фикрларини тинглаб, жиноят ишида мавжуд ҳужжатларни текшириб, судланувчи О.Книнг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатилган ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганликда гумон қилинганини, айбига иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, фуқаровий даъвогар билан ярашганлиги ва етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини инobatга олиб, жиноят ишининг унга оид қисмини ярашганлик муносабати билан ҳаракатдан тугатишни, унга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.



Шунингдек, суд судланувчи А.Анинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатилган ЖК 167-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганликда гумон қилинганини, айбига иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, фуқаровий даъвогар билан ярашганлиги ва етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, жиноят ишининг унга оид қисмини ярашганлик муносабати билан ҳаракатдан тугатишни, унга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Суд жиноят оқибатида давлатга етказилган 9.225.088 сўм ва 8.274.684 сўм миқдоридаги моддий зарарлар тўлиқ қопланганини эътироф этишни лозим топди.

Шунингдек, суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатли тафтиш далолатномалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-банди, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Судланувчилар

оид жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомаси тасдиқлансин.

Жиноят ишининг Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан нисбатан юритилган қисми тарафлар ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-бандига асосан иш юритишдан тугатилсин.

О.Кга нисбатан қўлланган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят ишининг Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 1-қисми билан нисбатан юритилган қисми тарафлар ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-бандига асосан иш юритишдан тугатилсин.

А.Ага нисбатан қўлланган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида давлатга етказилган 9.225.088 сўм ва 8.274.684 сўм миқдоридаги моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги эътироф этилсин.



Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатли тафтиш далолатномалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда бошқа ҳужжатлар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажрим устидан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят қилишлари, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Бойбилов

Аслига тўғри:

